2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

13 (615)

2008 йил 26 март

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Миср маданияти мамлакатимизда
▶ Иқлим инжиқликлари авжига чикди

3
▶ Омонатнинг кафолати бўлсин!
▶ Шаҳристон ҳақида рисола

4
▶ Вазир қишлоғидаги Қарғалар...
▶ «Ҳолва ема!»! деган ота ўзи ҳам емасин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15- банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Эшмуротовни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15- банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хушбоқович Эшмуротов Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сурхон воҳаси, унинг фидойи меҳнаткашлари ўз юртини янада обод қилиш ва тараққий топтиришда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, балки баъзи бир жараёнларда бошқаларга ибрат бўлиб келаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари аввало Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожида хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни Сурхон воҳасида ана шундай масалани қўйишга барча асослар борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деди Ислом Каримов. Авваламбор, Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундайди.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти — Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулоқ конида аниқланган 150 миллион тонна миқдоридаги хомашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

2010 йилда ишга туширишмўлжалланаётган бу заводнинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни очилишини инобатга оладиган бўлсак, унинг вилоят учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам қандай муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Айни вақтда яна бир истиқболли лойиҳа – катта миқдорда полиметалл захираларига эга бўлган Сариосиё туманидаги Хонжиза конида ҳам ана шу бойликларни ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда 4 миллиард 400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар ҳажмидан далолат беради. Шунингдек, Бойсун ва бошқа ҳудудларда жойлашган ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, ўтган йили бу ерда 15 та, жумладан, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш ҳисобига 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Ислом Каримов мажлис аҳли эътиборини вилоят иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда муайян натижаларга эришилаётганига қаратди. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачилик бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 минг 400 та фермер хўжалиги ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намоён этаётгани таъкидланди.

Ўтган йили 2004 йилга нисбатан сабзавот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса қарийб 2 баробар кўп етиштирилгани албатта сурхондарёлик соҳибкорларнинг самарали меҳнати натижасидир.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг 25 март кунги мажлислари Сенатнинг бўлажак ўн учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалалар муҳокамасига бағишланди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида, жумладан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунлар кўриб чиқилди. Мажлисда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан инвестиция мажбуриятлари инвесторлар томонидан бажарилишини таъминлашга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини янада самаралироқ тарзда ҳимоя этишга, қонун ҳужжатларимизда назарда тутилган имтиёзларни чет эллик инвесторларга нисбатан қўлланишни расамадга солишга, иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Мазкур Қонун, фаолияти қайси манбадан молиялаштирилишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотларни жойлаштириши мажбурийлигини белгилаб қўяётганлиги ҳамда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтиришга йўналтирилганлиги мажлис аҳли томонидан таъкидланди.

«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238^2-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилганида шу нарса қайд этилдики, мазкур қонунлар жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий тартибда ижро этишнинг процессуал ҳуқуқий механизмини яратишга, коммунал хизматлар тўлови ва иш ҳақи бўйича қарзларни ундириш тартибини соддалаштиришга қаратилган. Қўмита аъзолари «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунларни ҳам кўриб чиқдилар. Мажлис аҳли таъкидлаб ўтганидек, бу қонунлар суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш учун шароит яратишга, суғурта қилишни тартибга солиш усулларини мукаммаллаштиришга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, шу жумладан суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий маконини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида мамлакатимизнинг халқаро шартномаларга қўшилишига оид қатор қонунлар кўриб чиқилди. Улар орасида хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим ўрин тутади. Қайд этилганидек, ушбу Конвенция ядровий терроризмнинг янада самаралироқ ва таъсирчанроқ тарзда олдини олишга ҳамда унга қарши курашишга қаратилган чораларнинг амалга оширилишига ёрдам бериш, радиактив моддалар қўриқланишини таъминлаш, ушбу Конвенцияда санаб ўтилган қилмишларни ҳамма бирдек жиноий ҳаракат деб эътироф этишига эришиш мақсадида қабул қилинган. Конвенция халқаро ҳамжамиятнинг ядровий терроризмга ҳар томонлама қаршилик кўрсатишини таъминлашга ёрдам беради ва Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар учун ушбу ҳодисага қарши курашда, шу жумладан халқаро ҳамкорлик воситалари орқали курашда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш имконини яратади. Қўмита аъзолари Ўзбекистоннинг халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилишига тааллуқли бошқа бир қанча қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Қўмиталар мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, шунингдек айрим сенаторларнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ҳамда сенаторларнинг ва Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлислар асосида парламент юқори палатасининг ўн учинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Сенатининг матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА САХОВАТ ТАДБИРИ

унда пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган 600 нафардан ортиқ оила вакилларига меҳр-мурувват кўрсатилди

Тошкент шаҳар «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида ташкил этилган хайрия тадбирини бу борада қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Наврўз байрами муносабати билан ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбирга пойтахт маҳалаларида истиқомат қилаётган 600 нафардан ортиқ кам таъминланган оила вакиллари таклиф этилди.

— Бундай хайрия тадбирларини ташкил этиш анъанавий юмушимизга айланди, — дейди «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси аъзоси Саида Йўлдошева. — Бугунги кунда ташкилотимиз томонидан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса қўмакка муҳтож юртдошларимизни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда белгиланган вазифалар ижроси ижобий самара беряпти.

Тошкент шаҳри

Хайрия тадбирида иштирокчиларга сумалак, кўк сомса, ҳалим каби баҳор таомлари тортиқ этилди. Санъат усталарининг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни акс эттирувчи саҳна кўринишлари йиғилганлар қалбига қувонч олиб кирди.

— Бундай хайрия тадбирларининг ўтказилиши кўнглимизни тоғдек кўтаради, — дейди Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳаллада истиқомат қилаётган Мунира Саъдуллаева. — Шунингдек, Наврўзни, баҳорни, аёлларни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар йиғилганларга шодлик улашди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга ташкилотнинг совғалари топширилди.

Меҳрож ДАРХОНОВ, «Mahalla» мухбири.

Миср маданияти кунлари бошланди

Мамлакатимизда Миср маданияти кунлари бошланди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Шу муносабат билан Миллий санъат марказида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада



Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Янгийўлда катта тўй бўлибди-я!..

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Вилоятда қурилиш ва ободончилик, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Масалан, 2005-2007 йиллар давомида асосан қишлоқ жойларда 1 миллион 650 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километр ичимлик суви тармоғи тортилгани ҳам ана шу ишларнинг ҳажми ва кўламини кўрсатади.

Бу ерда ўтган йили 9 мингдан зиёд ўқувчига мўлжалланган 15 та касб-ҳунар коллежи, 16 мингдан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, кўплаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, холисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий шарти ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани туфайли саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши охирги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хом ашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пилларни қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хом ашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Фақат хом ашё етиштириш ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслиги, бундай ёндашув бугунги кунда бизга умуман тўғри келмаслигини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришга ҳожат борми?

Президент яна бир муҳим масала — Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ бажарилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, шу тариқа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаётгани бу соҳадаги ишлар хўжакўрсин учун, номигагина бўлмоқда, деб айтишга асос беради.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлақо фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмаяпти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши охирги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улар бўйича кўзда тутилган маблағнинг атиги 7,6 фоизи ўзлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бугунги кунда юртимизга чет эл инвестицияларини, замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, ҳеч қандай ривожланишга эришиб бўлмайди. Агар кимки бошқача ўйласа, хато қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Албатта, бутун дунёда сармоядор бирон жойга ўзидан-ўзи кириб келмайди. Бунинг учун уларнинг кўнглини топиш, керак бўлса, ортидан юриш-югуриш, мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг моҳияти ва аҳамиятини, афзаллигини тушунтириш, энг асосийси, уларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга қизиқтира билиш, зарур шароитни ташкил этиб, йўлини очиб бериш керак.

Мамлакатимизда бу масала бўйича барча муаммолар ечилиб, кенг ҳуқуқий замин яратиб берилганига қарамасдан, Сурхондарёдаги раҳбар ва мутасаддилар бу ўта муҳим масалада ҳали-бери лоқайдлик ва бепарволикка берилиб келмоқда.

Табиийки, иқтисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар вилоятнинг молиявий аҳволига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Буни бугунги кунда 15 та туман ва шаҳардан 13 таси дотацияда қолиб келаётгани, айниқса, Бандихон ва Олтинсой, Бойсун ва Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида дотация даражаси юқори экани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кучайтириш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш бутун юртимиз қатори Сурхондарё вилоятидаги суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ экани ҳақида фикр юритар экан, Юртбошимиз бугунги кунда вилоят бўйича суғориладиган ерларнинг 48 фоизи турли даражада шўрланганлиги, жумладан, 51 минг гектар ёки деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 16 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланганига эътиборни қаратди.

2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат мелиорация дастурига кўра, вилоятда 30 миллиард сўмлик, хусусан, биргина жорий йиллнинг ўзида 5 миллиард 400 миллион сўмлик мелиорация тадбирлари амалга оширилади. Шу мақсадда йил охиригача Сурхон воҳасига 24 та замонавий мелиорация техникаси олиб келиш кўзда тутилмоқда, деди Ислом Каримов ушбу муаммони ҳал этиш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб.

Маълумки, вилоят ҳудудида Осиё тараққиёт банки иштирокида Аму-Занг машина каналини реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 112,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ ва Термиз туманларидаги деҳқончилик қилинадиган 100 минг гектар ер майдонининг суғориш таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкони туғилади.

Албатта, қишлоқ хўжалиги тараққиёти билан боғлиқ бундай долзарб масалаларни ечишда ҳукуматимиз, марказий идоралар Сурхондарё вилоятига доимо ёрдам бериб келган ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беради. Лекин бу ерда раҳбар бўлиб, етакчи бўлиб ўтирган шахслар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш, шу орқали деҳқон ва фермерларнинг даромадини ошириш учун бор имкониятларини ишга солиши керак. Таассуфки, ҳозирча бундай интилиш ва амалий ҳаракатларни кўрмаяпмиз.

Масалан, пахтачиликни олайлик. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этолмаслик, ғўза парваришидаги асосий агротехник тадбирларнинг сифатсиз бажарилиши, замонавий технологияларга риоя қилмаслик натижасида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари чўзилиб, тола сифати пасайиб кетмоқда.

Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли ўтган йили Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандихон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, деҳқонларимизнинг пешона тери тўкиб қилган меҳнатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Мажлисда воҳанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, янги ва истиқболли ғўза навларини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, вилоятда бу борада ҳам етарли иш олиб борилмаётгани афсус билан қайд этилди.

Биргина мисол, "Термиз-31" ингичка толали ғўза навининг вегетация даври 135-145 кунни ташкил этади, унинг толаси 1-тип эмас, 3-тип бўлса ҳам, вилоят ва туман раҳбарлари 1995 йилдан буён ушбу навни экишни сўраб мурожаат қилади.

Бугунги кунда шуни аниқ ва очиқ айтишимиз керак — Сурхондарё заминига мос келадиган, серҳосил ва эртапишар, сифатли тола берадиган, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган навларни яратиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

Саховатли Сурхон тупроғи беқиёс имкониятларга эга экани, деҳқончилик илмининг ҳақиқий усталари айнан шу ерда меҳнат қилиши барчамизга яхши маълум. Бу заминда ўсмайдиган экиннинг ўзи йўқ, десак, муболаға бўлмайди, деди Юртбошимиз.

2007 йили вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Аммо бу маҳсулотларни қайта ишлаш, энг муҳими, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш масаласи қандай ҳал қилиняпти, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Воҳанинг Ангор, Бандихон, Бойсун, Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича биронта корхона ташкил этилмаганини раҳбар ва мутасаддилар қандай изоҳлайди?

Бу масалада на маҳаллий ҳокимият, на тегишли вазирлик ва корхоналар раҳбарлари ташаббус ва жонкуярлик кўрсатмаяпти.

Сурхондарё вилоятида сердаромад тармоқ бўлган чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Маълумки, чорвачилик оғир ва мураккаб соҳа бўлиб, чорва молларининг бошини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш, касалликлардан ҳимоя қилиш замонавий ветеринария хизматини талаб этади.

Лекин бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 255 та зооветеринария шохобчасининг 230 таси замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмаганини, уларда малакали мутахассислар етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги аҳволни албатта қониқарли деб бўлмайди.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вилоятида долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, кейнинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳали ушбу соҳада кўплаб камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, улар аҳолининг ҳақли эътироз ва норозилигини уйғотаётганини таъкидлади.

Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги 67 та тиббиёт муассасаси капитал реконструкция қилиш ва қайта таъмирлашга муҳтож, уларнинг аксариятидаги муҳандислик тармоқлари талабга жавоб бермайди. Айниқса, Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида аҳолининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан юқори экани, айрим шаҳар ва қишлоқларда мутахассис шифокорлар ва махсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли ҳол.

Биз бугун мамлакатимизни юксалтириш ва янгилаш бўйича улкан ишларни амалга ошираётган эканмиз, бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: қайси жабҳада бўлмасин — бу иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш борасидаги энг муҳим йўналишларни изчил давом эттириш бўладими — буларнинг барчасида биз учун инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати энг асосий ва устувор масала бўлиб келмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Бу борада аҳолининг бандлик даражасини ошириш, шу асосда унинг даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу масала юртимизда нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида бу борада маълум бир ишлар амалга оширилганини, хусусан, ўтган йили 42 мингдан ортиқ, жумладан, касаначилик ҳисобидан 7 минг 600 та янги иш ўрни яратилганини ижобий баҳолаш керак. Ўтган йил якунига кўра вилоятда расмий ҳисобот бўйича 35 мингдан ортиқ киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, кўпчилик меҳнатга лаёқатли одамлар иш излаб юрган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларига расман мурожаат қилмайди. Шунинг учун бу масала бўйича жорий этиб келинаётган мезон ва кўрсаткичларни яна ва яна бир бор аниқлаб олиш зарур.

Шуни айтиш керакки, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш жойлари яратиш бўйича Термиз, Музработ, Қизириқ ва Денов туманларида етарли иш олиб борилмаяпти. Шу боис бу ҳудудларда кейинги йилларда ушбу йўналишда яратилган жами иш ўринларининг 5 фоизга ҳам етмагани, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ташвишлантиради.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсоннинг, бутун аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий шарти — авваламбор одамларни доимий, барқарор иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Шундагина фуқароларнинг оладиган маошлари ва даромадлари ҳам, ҳаёт даражаси ва сифати ҳам ошади. Бир сўз билан айтганда, бу масалага айнан ана шундай ёндашув бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг яккаю ягона йўлидир.

Мен ўзимнинг кейинги чиқишларимда юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизларимизни биринчи галда иш билан таъминлаш масаласига қайта-қайта эътибор қаратаётганим бежиз эмас, деди сўзини давом эттириб Ислом Каримов. Нега деганда, биз замонавий касб ва малакага эга бўлган бу ёшларни иқтисодиётимизнинг реал соҳа ва тармоқларида асосий ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Шу кўз билан қараганда, Сурхондарё вилоятида ўтган йили ана шундай ўқув даргоҳларини битирган 15 мингдан ортиқ ўқувчининг 4 минг 520 нафари ёки 30 фоизи иш билан таъминланмагани вилоятдаги мутасадди раҳбарларни безовта қилмайдими?

Бундай аҳволни кескин ўзгартириш учун биринчи галда ишчи кучини кўп талаб этадиган енгил ва озиқ-овқат, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этиш юзасидан аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўриш лозим. Шу билан бирга, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, шахсий чорва хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳам ишларни кучайтириш зарур.

Одамларни иш билан банд этиш масаласида аввало аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги-янги имкониятлар мавжудлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак. Мамлакатимиз бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 50 фоизга яқин бўлган бир пайтда Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 36 фоизни ташкил этишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари аҳоли бандлигини ошириш учун ўз ишимни очаман деган тадбиркорларга тегишли шарт-шароитларни яратиш, микрокредитлар ажратиш бўйича янада фаол иш олиб боришлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, бу масаланинг ижроси маҳаллий ҳокимликлар томонидан кундалик назоратга олиниши, уларнинг доимий эътиборида бўлиши даркор.

Маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг тақдири ва истиқболини юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади. Афсуски, Сурхондарёда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдек ўта муҳим масалада кейинги пайтда бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Сўнгги йилларда вилоят ва маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, фуқаролар томонидан кўтарилган таклиф ва муаммоларни чуқур ўрганиб, вақтида ечиш ўрнига кўпроқ беғамликка берилиб, шахсий манфаатини ўйлаш билан овора бўлиб юрганини, қанчалик оғир бўлмасин, айтишга мажбурмиз, деди Ислом Каримов шу соҳадаги аҳволга баҳо берар экан.

Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Холмуродов, ҳоким ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Авлиёқулованинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, ҳокимнинг қурилиш бўйича ўринбосари Х.Рамазонов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилгани учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги томонидан кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулият бўшашиб кетгани ўз навбатида туман ва шаҳар бўғинлари раҳбарларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кейинги вақтда Термиз шаҳри, Ангор, Қизириқ, Музработ ва Термиз туманлари ҳокимларининг ўз вазифасидан четлатилгани ҳам исботлайди. Ёки бўлмаса, 2004-2007 йиллар мобайнида вилоят ташкилотларининг 22 нафар раҳбари турли камчилик ва қонун бузишларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан бўшатилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Сурхондарё вилоятида юзага келган бугунги аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, энг муҳими, шу юртда яшаётган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражасини ошириш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини юқорида келтирилган мисоллар яққол кўрсатмоқда.

Барчангизга маълумки, бундан тўрт йил олдин биз Абдулҳаким Эшмуротовга катта ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига раҳбар этиб тасдиқлаган эдик, деди Президентимиз.

Эътироф этиш керакки, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кузатилган эди. Афсуски, бундай ҳаракатлар кейинги йилларда унинг фаолиятида ўз давомини топмади. Шуни очиқ айтиш керакки, А.Эшмуротовнинг иш фаолиятида кенг миқёсда фикр юритиш, қарор қабул қилишда масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари етишмади. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш қайфияти умуман намоён бўлмади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳокимнинг талабчанлиги ва қатъияти етарли бўлмаса, у талаб қилиш ўрнига кузатувчи бўлиб турса, бундай вазиятда нафақат унинг бевосита қўл остида ишлайдиган ходимлар, балки жойлардаги раҳбарлар томонидан ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, ўзибўларчиликка берилиб кетиш ҳолатлари кучайиши муқаррар.

Вилоятда кадрлар масаласи билан боғлиқ яна бир ҳолат шундан иборатки, Сурхондарё вилояти бўйича 1996-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 71 нафар киши битирган бўлса, уларнинг 10 нафари ўз жойига ёки ундан ҳам қуйи лавозимларга ишга тайинланган. Фақат Президент девонининг аралашувидан кейин уларнинг 6 таси истиқболли кадрлар захираси рўйхатига киритилган, холос.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг барчаси вилоят раҳбарининг масъулиятсизлик ва бепарволик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳланади. Ҳолбуки, вилоят миқёсида етакчи лавозимга сайланган шахс унга ишонч билдирган одамларнинг дарду ташвишларини ўз қалбидан, юрагидан ўтказиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга бош-қош бўлишга ҳар томонлама қодир бўлиши шарт.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун сизлар билан вилоятдаги мавжуд аҳволни атрофлича таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни чиқаришга, ташкилий масалаларни ечишга тўғри келди. Буларнинг барчаси авваламбор ягона эзгу мақсадга, яъни юртимиз тарихи ва тараққиётида ҳамма вақт ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб келган Сурхондарё воҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бу ерда яшаётган халқнинг бугунги ва эртанги ҳаётини фаровон қилишга қаратилганини барчамиз яхши англаймиз. Ишончим комилки, заҳматкаш ва бағрикенг, кўпни кўрган Сурхон аҳли бугунги фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, янги раҳбар билан ҳамжиҳатликда вилоятни равнақ топтириш, уни янада обод қилиш учун белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қилади, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади, деди пировардида Юртбошимиз.

Сессияда сўзга чиққан "Сурхон тонги" газетаси бош муҳаррири Рамазон Ашуров, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати Райҳон Раҳимова, Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунпўлат Норбоев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиз давлат университети талабаси Азиза Шоймардонова ва бошқалар вилоятда барча соҳа ва тармоқларда ишни Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлар, таклиф ва хулосалар асосида ташкил этган ҳолда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бор куч ва имкониятларни ана шу эзгу мақсад йўлида сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

/ЎзА/

Миср маданияти кунлари бошланди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Урф-одатлари, қадриятлари, маданияти ва маънавияти ўхшаш бўлган икки халқ ўртасидаги илмий-маърифий алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний каби буюк алломаларимиз, уларнинг кашфиётлари, боқий мероси қадимий эҳромлар юртида ҳам маълум ва машҳурдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, илмий-маданий муносабатлар янги, юксак поғоналарга кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992, 2007 йилларда ушбу мамлакатга расмий ташрифлари натижасида савдо-иқтисодий, сармоявий соҳалар билан бирга, маданий-маърифий, илмий-техникавий йўналишларда эришилган кўплаб келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат олимлари томонидан нодир қўлёзма манбаларнинг изчил ва мукаммал ўрганилиши, юртимиз ва Миснинг фольклор-этнографик ансамбллари иштирокида концертлар намойиш қилиниши, "Эҳромлар юрти ўзбекистонлик болалар нигоҳида" болалар расмлари бадиий кўргазмасининг ташкил этилиши, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мисрлик санъаткорларнинг фаол қатнашиши, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан Қоҳирада Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталигининг ўтказилгани бунинг ёрқин намунасидир. Юртимизда бошланаётган Миср маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

31 мартгача давом этадиган Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой. Ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги кўргазма заллари, маърифат масканлари, олий таълим даргоҳлари ва истироҳат боғларида мисрлик ижодкорларнинг рассомлик, хаттотликка оид кўргазмалари, талабалар ўртасида араб тили бўйича мусобақалар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, анжуманлар, кўрик-танловлар бўлиб ўтади.

Маданият кунларининг очилишида Мисрнинг "Ҳуррия" ҳамда Ўзбекистоннинг "Офарин" рақс театри жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий хоним иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АЛБАНИЯ:

ТИРАНАда ЧИҚИНДИ «ТОШҚИНИ»

Айни кунларда Албания пойтахти Тирана шаҳрининг каттагина қисми кучли ёғингарчиликлар туфайли сув остида қолди, дея хабар бермоқда РАТА-ТАСС ахборот агентлиги.

Шаҳарда автомобиллар қатнови бутулай тўхтаб қолган. Шаҳар аҳолиси ва мутасаддиларини энг ташвишга солгани 24 март куни ёққан кучли жала оқибатида ерости оқава тизими ишдан чиқиб, бадбўй чиқиндилар шаҳар кўчаларига «тошиб» чиққанидир. Шаҳар кўчаларини тозалаш учун маълум вақт талаб этилади. Шифокорлар эса бу вақт ичида турли юқумли хасталиклар тарқалиши эҳтимоли борлиги хусусида маълум қилишмоқда. Умуман, айни кунларда Албаниянинг айрим туманларида электр таъминоти тизими ишдан чиққан, автомобиль трассаларини қор босган. Мамлакатнинг денгизбўйи ҳудудларида яшовчи аҳолиси тўфон хавфи ҳақида огоҳлантирилмоқда.

ФАЛАСТИН:

ҒАЗО ТУФАЙЛИ МОЖАРО

Мамлакатдаги ФАТХ ва ХАМАС ҳаракатлари вакилларининг 23 март куни Яманда бўлиб ўтган музокараси кутилган ижобий натижани бермади.

Буюк Британияда чоп этиладиган "The Times" нашрининг хабар беришича, ҳар икки томон вакиллари можароли вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шартномани қаттиқ баҳс-мунозаралардан сўнггина, шунда ҳам мамлакат президенти Али Абдулла Солихнинг воситачилик аралашуви туфайли имзолаган эдилар. Шартнома имзоланган бўлишига қарамай, у тинчлик йўлидаги музокараларда ҳал қилувчи кучга эга бўлолмайди, дея фикр билдирмоқда ХАМАС вакиллари. Можароли вазиятда томонларнинг талаби қуйидагича: ХАМАС Ғазо секторида юз берган тўнтариш жараёнида ҳибсга олинган ўз вакилларининг дарҳол озод этилишини истайди. ФАТХчилар эса Ғазо секторининг расмий тан олинган раҳбарият назоратига қайтарилишига эришмоқчи. Хуллас, икки томон ўртасидаги навбатдаги музокара жорий йилнинг 9 апрель санасига белгиланган.

Фармон берган имкон

ОМОНАТнинг КАФОЛАТИ ТАЪМИНЛАНАДИ!

Мустақиллик йилларида юртимиздаги банклар сони ва улар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари ҳам, сифати ҳам ортмоқда. Бу ислоҳотлар орқали аввало аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони катта аҳамиятга эга меъёрий ҳужжатдир.

— Мазкур Фармон республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизмат тури ва сифатини ошириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг муҳим манбаи сифатида аҳоли эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш ва энг муҳими, аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш имконини беради. Демак, банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони ҳамда улар томонидан банкларга қўйилаётган маблағлар салмоғи ортади, — дейди «Алп Жамол банк» Қарши шаҳар филиали бошлиғи Фахриддин Нуриддинов.

Дарҳақиқат, ушбу Фармон аҳолига жуда катта қулайликлар яратади. 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкда ўз депозит ҳисоб варағини очиб, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда пул маблағларини қўйиш имкониятига эга бўлади. Муҳим жиҳати шундаки, омонатга ҳам, шахсий ҳисоб варағига ҳам, қоларверса, тақдим этувчининг ҳисоб варағига ҳам аноним тарзда маблағ қўйиш мумкин. Маблағлар эса нақд пул шаклида ёки омонатчиларнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисоб варақларидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Яна бир эътиборли томони, қўйиладиган маблағларнинг келиб чиқиш манбалари тўғрисидаги декларация ва ҳужжатларни сўраб олиш қатъиян таъқиқлаб қўйилади. Қонунга биноан банклардан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа назорат идораларига ҳам бундай сўровлар ман этилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрели — 2009 йилнинг 1 апрели оралиғидаги даврда солиқ органлари томонидан текширилмайди. Чунки улар барча турдаги солиқлардан ва мажбурий тўловлардан озод этилган. Фармонда банк сирига риоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уни ошкор этгани учун мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Мазкур Фармоннинг амалга оширилиши банклар билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Натижада аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб этиб, мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш учун қулай имкониятларни юзага келтиради.

— Мазкур Фармон моҳиятини тарғиб этиш борасида бизнинг зиммамизга жуда муҳим вазифалар юклатилган, — дейди сўзини давом эттириб Ф.Нуриддинов. — Фармон моҳияти, унинг талаблари ва берилган имтиёзларни аввало банк ходимларига, сўнг эса аҳолига, тадбиркорлар, хўжалик субъектларига ҳамда банкнинг барча мижозларига етказиш учун амалий семинарлар ташкил этилади. Мижозлар Фармон талаблари қайд этилган маълумотлар ҳамда банк сирига тааллуқли қонунчилик ҳужжатларидан тўла хабардор бўлади. Жисмоний шахслар томонидан омонатга маблағ қўйиш тартиби қайта кўриб чиқилган ҳолда ички меъёрий ҳужжатлар мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилади. Асосий эътибор ички тартибларни максимал соддалаштириш, омонатчиларга янада қулай шароитлар яратиб беришга қаратилади. Мижозларга хизмат кўрсатишда сансоларлик ва лоқайдлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш жуда муҳимдир. Шу мақсадда ҳозирда банкнинг мижозлар билан ишлайдиган бўлинмаси ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Банк сирига оид, шу жумладан, омонатчиларнинг банкка қўйган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларнинг ноқонуний ошкор этилиш ҳолларига чек қўйиш юзасидан ҳам зарурий чоралар кўриляпти.

Омонатчиларнинг банк хизматларидан фойдаланиши учун барча шароитларни яратиб берган ҳолда, тузилган шартномага асосан уларнинг биринчи талаби билан омонатнинг қайтариб берилиши қатъий назоратга олинади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Йивинда кимлар ишлайди?

Тонг ёриша бошлаганда Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Муҳаббат Саймусаеванинг ҳовлиси дарвозаси тақиллади.

— Ойи, сизни сўраб келишибди, — деб овоз берди Муҳаббат опанинг ўғли.

Дарвоза ёнида қўлида бир яшар чамасидаги боласи, кўзларида ёш билан ийманибгина бир жувон турарди. Муҳаббат опа уни таниди: йиғинга қарашли чекка маҳаллада яшайди. Унинг турмуш ўртоғи ичкиликка берилиб, оиласида тез-тез жанжал бўлиб турганини эшитганди.

РАИСАНИНГ ИШ КУНИ

Муҳаббат опа аёлни уйига таклиф этди. Бир пиёла чой устида ҳасратини эшитди.

— Хафа бўлманг, қизим, — деди суҳбат сўнгида. — Ҳозир эрингизни идорага чақириб гаплашамиз. Унгача шу ерда ўтириб туринг. Кўчада болангиз шамоллаб қолмасин...

Муҳаббат опа идорага келиб, жувоннинг турмуш ўртоғини чақиртирди. Суҳбат узоқ давом этмади. Йигит уялганидан қизариб ўтирар, қайта-қайта кечирим сўрарди. Шундан сўнг раиса ушбу оиладан тез-тез хабар олиб турди. Эр-хотиннинг тотув турмуш кечиришларига ҳисса қўшди.

Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 9 та маҳаллада 2283 хонадон мавжуд, ўн минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Муҳаббат опа маҳаллаларда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун озмунча куйиб-пишмади, дейсизми. Йиғин раисаси қаттиқ туриб, ишни режали ташкиллагани боис ҳозир ҳудудда 4 та сув иншооти узлуксиз ишлаяпти.

Маҳаллалар аҳли ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириб, Наврўз айёмини сариштa хонадон, кўркам сайилгоҳларда нишонладилар.

— Фаолларимиз хонадонма-хонадон юриб, ҳамқишлоқларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига даъват этишди, — дейди қишлоқ йиғини раисаси. — Қишлоқдошларимизга раҳмат. Кимдир кўчат экишга, кимдир дарахт таналарини оқлашга ўз ҳиссасини қўшди, яна кимдир сув равон оқсин, деб ариқ тозалаш ишларида фаол иштирок этди. Айниқса, ободонлаштириш ишларида фермерлар алоҳида ташаббускор бўлдилар.

Шу куни маҳаллада сумалак қилишаётган экан. Раисани ҳам таклиф этишди. Тўкин дастурхон атрофида маҳалла фаоллари билан дилдан суҳбатлашиб, кўнгли яйраган Муҳаббат опа соатига қаради. Ҳали улгуриши керак бўлган ишлари талайгина. Жумладан, ҳудудда 540 ўринли иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қуриляпти. У ердаги ишлар билан танишиши керак...

Куни кеча мавжуд 26 та фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислар иштирокида буғдойларни янгича усулда озиқлантириш бўйича ўқув ўтказган эди. Бугун фермерлар озиқлантириш ишларини бошлаб юборишган. «Абдулла-Мухтабар» фермер хўжалиги ходимлари ўз экин даласини барг орқали озиқлантириш юмушини тугатибди. Фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Тошхўжаев раиса олдига пешвоз чиқди.

— Совуқ ҳаво майса ривожини анча орқага сурди, — деди салом-аликдан сўнг Абдулла фермер. — Баллани барг орқали озиқлантирсак, майсалар соғлом ва бақувват ўсади. Экинларнинг касалликларга чидамлилиги ортади. Ҳозир минерал ўғитларни сувда эритиб, пуркагич агрегатлар орқали экинзорга сепиб бўлдик. Яна икки марта экинларни шу усулда озиқлантирамиз...

Қоронғу тушиб, Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Муҳаббат Саймусаева уйига кириб борганида оила аъзолари уни кечки овқат устида кутиб ўтиришганди. Икки невараси Мадинабону ва Иззатилла «бувижон» деб унинг бағрига отилишди. Келини Наргиза олиб келган таомни тановвул этишга қўйишмаганига қарамай, невараларини бағрига босиб ўтирган раисанинг чарчоғи босилгандай бўлди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

Тошкент шаҳри

2008 йил — Ёшлар йили

КАМОЛОНда КАМОЛОТ ДАРСИ

Чилонзор туманида жойлашган Чарх Камолон номли маҳалламизда истиқомат қилаётган тўрт ярим минг нафарга яқин аҳолининг салкам минг нафарини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинишини маҳалладошларимиз хурсандчилик билан кутиб олишди. Чунки ёшлари маънан ва жисмонан соғлом, билимли ва баркамол бўлган халқнинг келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ. Маҳалламизда фаолият кўрсатаётган маданият уйи ёшларнинг севимли масканларидан бирига айланган. Бу ерда турли кеча ва тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишда ташкил этилаётган "Икки авлод учрашувлари" тадбирлари айниқса қизиқарли тарзда ўтмоқда. Унда кекса авлод вакиллари ёшларга ўзларининг ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб берадилар, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурлигини уқтирадилар. Яқинда "Соғлом авлод жамғармаси" билан ҳамкорликда ўсмир қизлар ўртасида "Балоғат даври" мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Маҳалламизда билимли, зукко ва ташаббускор ёшлар кўп эканлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Умиджон Шодиев, Жамшид Нурмуҳаммедов, Жаҳонгир Нормуҳаммедов каби ёшлар нуфузли олий ўқув юртларини имтиёзли тамомлаб, турли соҳаларда хизмат қилишмоқда. Яна ўнлаб йигит-қизларимиз эса ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича таҳсил олишмоқда. Йиғинимизда шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга таълим кредити олишда яқиндан кўмак берилади. Маҳалла ҳисобидан 4 нафар қиз ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига юборилди.

Маҳалламиз фаоллари жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга иқтидорини намойиш этишларига кўмаклашиш ва фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Абдурашид НОРМУҲАММЕДОВ,
Чарх Камолон маҳалласи фаоли.

Тошкент вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

КАСАНАЧИ КАСБ ҚИЛГАН ЮМУШ

ҳам корхонага, ҳам ўзига наф келтирмоқда

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳри маҳаллаларида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, шаҳримизда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудуддаги мавжуд 95 та корхонага 315 нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, оилаларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, даромадларини ошириш мақсадида хонадонларнинг ўзида деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган шахсий хўжаликлар ҳам ташкил этиляпти.

Ёшлар йили муносабати билан маҳаллаларда ёшларни моддий-маънавий рағбатлантириш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш муҳим вазифалардан бирига айланган. Хусусан, Наврўз байрами муносабати билан 60 та ёш оила ипотека кредити асосида янги уйларга кўчиб ўтди.

"Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши халқ таълими бўлими, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ва коллежларда, ёшлар етмаганлар орасида, маҳаллаларда кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилмоқда. Натижада ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш борасидаги эзгу ишларимиз самараси юқори бўляпти.

Айни пайтда шаҳримиз маҳаллаларида йил дастурида белгиланган бошқа вазифаларни бажаришга ҳам астойдил киришганмиз. Бу йўлда айниқса, фуқаролар йиғинлари ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фаоллаларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Дилбар ПЎЛАТОВА,
"Маҳалла" жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлинмаси раиси.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Тошкент шаҳри

ШАҲРИСТОНнинг ЯРИМ АСРЛИК ТАРИХИ

шу тарих ҳақидаги рисола маҳалла аҳлига Наврўз туҳфаси бўлди

Юртимизнинг барча маҳаллаларида бўлгани каби пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган Шаҳристон маҳалласида ҳам Наврўз байрамига бағишлаб танатанали тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида маҳалла ҳаётида юз берган яна бир қувончли воқеа — Шаҳристон маҳалласи тарихи ва маҳалла ташкил этилгандан буён унинг ривожига ҳисса қўшган элликка яқин фидойи инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган «Маҳаллам — отам, онам» номли рисоланинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

СУРАТДА: *Шаҳристон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Эркин ака Умаров (ўртада) маҳалла фаоллари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Нашр муаллифи Шаҳристоннинг фахрий фуқароларидан бири Мирҳосил Усмонов бўлиб, рисолада нафақат Шаҳристон маҳалласи тарихига, балки Юнусобод тумани тарихига оид қизиқарли маълумотлар берилган.

Байрам тадбирида йиғин фаоллари сўзга чиқиб, маҳалла ҳаётида истиқлол йилларида юз берган ижобий ўзгаришлар ва янгиланишларни эътироф этдилар.

— Бу рисола маҳалламизнинг фахрий фаолларига, фаол ёшларига, жамоатчилик вакиллари эътиборига ҳавола этилди, — дейди нашр чоп этилишига ҳисса қўшган ташаббускор фаоллардан бири Шукур ака Толипов. — Маҳалламизнинг салкам ярим асрлик тарихи бор. Айни кунда маҳалламиз обод ва кўркам масканлардан бири саналади. Албатта, бу ободлик ўз-ўзидан бўлмаган, бунинг учун кўплаб фидойи, заҳматкаш инсонларнинг меҳнати сарфланган. Рисола ёшларимиз, маҳалламиз аҳлида Шаҳристон тарихига эҳтиром ҳиссини ва бугунги равнақига ҳисса қўшиш истагини уйғотади, деб ўйлайман.

Диққат, кўрик-танлов!

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли Фармони ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори асосида ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллалар, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган (посёлка), қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгаши девони таркибида ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илғор тажрибаси ва эришган ижобий натижаларини кенг оммалаштириш.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловда қатнашиш учун фуқаролар йиғини кенгашининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия борасида олиб борилаётган ташкилий ва амалий фаолият йўналишлари бўйича низомий вазифалар бажарилишини таъминлашда амалга оширилган ишлар бўйича қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган тўлиқ маълумотнома туман (шаҳар) ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

- Республика Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434- сонли Фармони ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарорини амалга оширишга қаратилган маҳалла маслаҳатчисининг 2008 йилга мўлжалланган йиллик, ойлик, ҳафталик иш режаси;
- маҳаллада соғлом оилаларни шакллантириш, турмуш қураётган ёшлар ўртасида тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;
- маҳалла ҳудудидаги мавжуд оилалар тўғрисида "Оила" паспорти ва маълумотлар банкининг яратилганлиги;
- маҳаллаларда кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига қаратилган эътибор, маҳаллада касаначилик ишларига аёлларнинг жалб этилганлиги ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тўгараклар фаолияти;
- маҳалла хотин-қизлари ва ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган аниқ тадбирлар;
- маҳалладаги намунали оилалар ва лидер аёллар ҳамда ижтимоий фаол фуқаролар билан ишлашнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга ҳамда хотин-қизларнинг дунёқараши, маданий-ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга оид тадбирлар;
- маслаҳатчининг турли оммавий-ахборот воситалари орқали ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишлари;
- оилалардаги муҳитни ўрганиб бориш, нотинч ва ноқобил оилалар билан якка тартибда ишлаш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан оилаларга ёрдам беришда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик;
- диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича олиб борилган ишлар ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига берилган ҳисобот юзасидан кенгаш қарори ҳамда шу асосда келгусида тегишли режаларнинг белгиланганлиги ва ижроси;
- миллий ва диний урф-одатларимизни такомиллаштириш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, умуминсоний қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш;
- маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар, диний экстремизм ҳолатлари, турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар;
- носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан, жумладан, экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашгани ва жиноят қилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар бор оилалар билан олиб борилган алоҳида ишлар;
- маслаҳатчининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, профилактика нозири, посбонлар сардори билан ҳамкорликда миллий урф-одатларимизга зид бўлган, хотин-қизлар томонидан жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва фоҳишахона сақлаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар;

Маълумотномага маҳалла маслаҳатчисининг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар (иш режаси, амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот, ўтказилган тадбирлар натижасида эришилган ютуқлар ҳамда хотин-қизлар ҳаёти ва бошқа фаолият йўналишларига оид ўтган йилга нисбатан солиштирма кўрсаткичлар мониторинги ва ҳ.к.), фотосуратлар, плакатлар, фотоальбом ва стендлар, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш режалари ҳамда шу кабиларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотнома тегишли равишда фуқаролар йиғини кенгаши қарори, туман (шаҳар), вилоят "Маҳалла" жамғармаси ва хотин-қизлар қўмитаси қўшма қарорлари ва бошқа расмий ҳужжатлар билан бирга топширилади.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда вилоят, шаҳар, туман "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов босқичма-босқич ўтказилади.

Биринчи босқич. 2008 йил июнь ойида туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, бунда ҳар бир туман (шаҳар)дан биттадан номзод танлаб олинади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. 2008 йил июль ойида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман (шаҳар)да биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ибратли маслаҳатчиларни аниқлайди ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида "Маҳалла" жамғармасининг тегишли бўлим бошқаруви ҳамда хотин-қизлар қўмитасига тавсия этади.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг республика босқичи 2008 йил август ойида республика комиссияси томонидан 3 та ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилади.

I ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари.

II ҳудуд: Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.

III ҳудуд: Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри.

Қайси ҳудудда ўтказилиши қура ташлаш йўли билан аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маслаҳатчиларнинг эришган ютуқлари республика комиссияси томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилади ва билдирилган таклифлар эътиборга олинган ҳолда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитаси раёсатларининг қўшма мажлисларида тасдиқланади.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир фуқаролар йиғини кенгаши маслаҳатчиси ҳақида тайёрланган тўлиқ маълумотнома керакли иловалар, маҳалла кенгаши қарори ва маҳалла раиси хати билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этилади.

Маълумотнома фуқаролар йиғини раиси имзоси ҳамда маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман комиссиялари энг намунали деб топилган маслаҳатчи маълумотномасини фуқаролар йиғини кенгаши қарори, ўз қарори билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчи ҳужжатларини ўз қарори билан бирга, барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда республика кўрик-танлов комиссиясига киритади.

Республика кўрик-танлов ҳайъати тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, кўрик-танлов ғолиблари иш фаолияти юзасидан кўргазмали чиқишлар ташкил этади ва ҳудудлар бўйича ғолибларни аниқлайди.

Ҳудудлар бўйича ғолиблар "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг қўшма мажлиси тасдиғига киритилади.

Республика кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрамини нишонлаш арафасида якунланади. Ғолиблар "Mahalla" газетасида эълон қилинади.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови ғолиблари, Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади.

Хоразм вилояти

Бир маҳалла ҳаёти

"ҚАРҒАЛАР"НИНГ ГУЗАРИ БОР

Гурлан туманидаги Вазир қишлоғида "Қарғалар" деб аталувчи маҳалла бор. Бир пайтлар бу ном кимларгадир бироз эриш туюлиб, турли йиғинларда уни ўзгартириш лозимлиги ҳақида бот-бот гапирилди. Бироқ кўпни кўрган кексалар маҳалланинг номини ўзгартиришга зарурият йўқлигини айтиб, қатъий эътироз билдиришди.

Шу боисданми, ҳар ҳолда маҳалла номи ўзгаришсиз қолдирилди. Қарғалар аҳли — мард, саховатли, танти инсонлар. Улар пахтачилик, пиллачилик, шоликорлик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишади.

— Маҳалламизда тадбиркор ва ташаббускор инсонлар кўп, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Авазмурод Исмоилов. — Жумабой Қозоқов ва Йўлдош Сафарбоевлар ҳиммати билан маҳалламиз гузари обод бўлди. Гузарда иш бошлаган маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо шахобчаларида эса ўнлаб кишилар иш билан таъминланди.

Маҳаллада ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Кўкламнинг илк кунларида "Ёшлик" боғи ташкил этилиб, унга мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди. Айни пайтда маҳалла гузари ёнида тўйхона барпо этиляпти. Мазкур иншоот ишга тушгач, Қарғалар аҳли тўй ва турли маросимларни, оилавий тадбирларни шу ернинг ўзида, ортиқча оворагарчиликларсиз ўтказиш имконига эга бўладилар. Бу каби хайрли ишларда Олимбой Эшматов, Алишер Сафарбоев, Омонбой Болтабоев, Йўлдош Сафарбоев каби маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Мутолаа учун янги нашр

«ҲАСТИМОМ ХОТИРАЛАРИ»

Таниқли ёзувчи, публицист, драматург, санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳам қалами, ҳам оташин сўзлари билан халқимиз қалбидан жой олган. У кишининг маънавият мавзуида битган дадил ва таъсирли мақолаларини мамлакатимизнинг барча нашрларида ўқиш мумкин.



Лекин кўпни кўрган бу ҳамкасбимизнинг болалик даврини шу пайтгача тасаввур қилмаган эканман: худди Абдуқаҳҳор ака биз учун азалдан ёшлари улуғ кўринишда мавжуддай. Яқинда бу инсоннинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Ҳастимом хотиралари» деган китобини ўқиганда, муаллифнинг мурғак болалик даврига шоҳид бўлдик. Қаранг, адибнинг лойсувоқдан қилинган томлар оша «саёҳати»ни ўқиганда худди биз ҳам ўша йилларни яққол кўргандай бўлдик: «Тоғаларимнинг мендан катта ўғиллари синфдошлари билан ана шу тупроқли томда ёзги имтиҳонларга тайёргарлик кўришарди. Бир куни мен ҳам улар билан бирга ана шу баланд томга чиқдим. Чиқдим-у кўзим тушган манзараларга маҳлиё бўлиб қолдим. Том тўла қип-қизил лолазору кўм-кўк майсазор, лекин булар аралаш, мисли атлас. Тиззага уради, ёнбошласангиз сизни кўмиб юборади. Капалаклар учиб, қўниб юрибди. Шохларининг уч-учи том бўғотига тегай-тегай деб қолган, чаппар уриб гуллаган нок дарахтининг усти ғуж-ғуж асалари. Улар тинмай ғўнғиллашади, буям ўзига хос бир куй, бир ажойиб симфония!

...Маҳалла масжидининг томи ҳам, гарчи баланд бўлса-да, тупроқли — узоқдан яхлит, кўкимтир-қизил катта гиламни, унинг ёнгинасидаги мезанаси атайлаб типпа-тик қилиб ўрнатиб қўйилган эски харини эслатади. Айтгандай, масжид қаршисидаги майдонда узунлиги ўн қулочча келадиган бир йўғон хари иморат пойдеворига тақаб қўйилганча қишин-ёзин ётарди, қари-қартанг, болабақра бўш қолди дегунча шу хари устига ўтириб, гурунглашишарди.

Тупроқ томли иморатлар орасида масжид ва мадрасаларнинг, хонақоҳ ва мақбараларнинг пештоқ ва гумбазлари, миноралари салобатли ва сирли, ҳаттоки ваҳимали бўлиб гавдаланарди. Кейинчалик билсам, шимол томондаги улуғ гумбаз ўнинчи асрда ўтган Абу Бакр Қаффол Шошийнинг мақбараси бўлса, кунчиқар тарафдаги улкан пештоқ Бароқхон мадрасасининг пештоқи экан, жанубда — ҳў олисда — ўнлаб гумбазлар орасида ажралиб кўзга ташланган гумбаз Мирзо Улуғбекнинг кичик замондоши Хожа Аҳрор Валийга нисбат берилган жомеъ масжидга тегишли экан...»

Энди билсак, ана шу томлар саҳнидан Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг келажаги, янги марралари намоён бўлган экан. Шу аснода Тошкентнинг қандай географик-табиий қулай маконда бунёд этилгани, улкан шаҳарнинг сув манбалари, маҳаллаларда қурилган уйлар, иншоотларнинг меъморий жиҳатлари ҳақида жудаям мароқли суҳбатдан баҳраманд бўласиз. Хусусан, китоб муаллифининг инсон ҳаётида, жамиятимизда эътиқоднинг қандай ўрин тутиши ҳақидаги фикрларини бефарқ ўқимайсиз: «Эътиқод — бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишонч ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқодли одам энг аввало ёлғон гапирмайди. Ёлғон сўзламаган одам ўзгаларни ҳам ростгўй деб билади. Лафзида турмаган кимсани бебурд ҳисоблаб, улардан ҳазар қилади».

Муаллиф эътиқод тушунчасини ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилади. Илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гўзаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатлар эканлигини таъкидлайди. Эътиқод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Буларсиз у қуруқ ғоя бўлиб қолаверади.

Китоб ана шу эътиқод туфайли элюрт назарига тушган, маънавиятимиз тарихига ўз номларини мангуга муҳрлаган мўътабар инсонлар, уларнинг савобли амаллари хусусида. Мазкур тарихий-маърифий бадиада ҳазрати Усмон Мусҳафининг юртимизга олиб келиниш тарихи аниқ манбаларга таяниб ҳикоя қилинганки, бу кенг жамоатчилик учун муҳим маълумот бўлди.

Маълумки, муқаддас жойларни зиёрат қилганда, тилак ўша ерга дафн этилган зотдан эмас, балки ёлғиз Аллоҳ таолодан сўралади. Қадамжолар пойида туриб, тилак сўралишининг моҳияти шундаки, Аллоҳ таоло ўзи улуғлаган ва сийлаган анбиёлар ва авлиёлар қабрларини ўз зиёси билан нурлантириб туради. Бундай нурафшон, муқаддас жойларда ихлос билан қилинган илтижолар Аллоҳ таолонинг иродаси ила кўпроқ ижобат бўлғусидир.

Диёримизда азалдан, айниқса, истиқлол йилларидан бошлаб муқаддас жойларнинг обод бўлишига мудом ҳаракат қилинишининг боиси ана шундадир. Ўзбекистон бу борада ислом дунёсида ҳам, бутун жаҳон миқёсида ҳам қадамжоларга бойлиги жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Диёримизда бир неча бор қайта тикланган ва бир неча маротаба таъмирланган осори-атиқалар мавжуд. Ҳазрати Имом билан ҳам худди шундай ҳол юз берган. Дастлабки мақбара сақланмаган, бугунги кунда Ҳастимом маҳалласи дейилганда, энг аввало бу ердаги кўҳна ёдгорликлар кўз олдимизга келади.

Бароқхон мадрасаси Наврўз Аҳмадхон томонидан 1531 йилдан бошлаб бир неча йил давомида бунёд этила борган. Ҳозиргача Бароқхон мадрасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолият кўрсатиб келди. Намозгоҳ жомеъ масжиди Рамазон ва Қурбон ҳайитлари намозларини ўқиш учун мўлжаллаб қурилгани сабабли шундай аталган. Бу ерда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти жойлашган. Мўйи Муборак мадрасасидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонаси сифатида фойдаланилмоқда. 2007 йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида Ҳастимом номи билан аталувчи, узунлиги етмиш метр, эни йигирма метр бўлган қўш минорали, катта уч гумбазли улкан жомеъ масжиди қурилиб, намозхонлар ихтиёрига топширилди.

Таъбир жоиз бўлса, ушбу китоб ўзликни англаш борасида муҳим омил бўлади. Унда табаррук заминимиз инсониятга берган даҳо фарзандлар, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улуғвор ишлар муфассал ҳикоя қилинган. Мазкур бадиа ўз юртини севувчи ҳар бир фуқаро қалбидан жой олишига ишончимиз комил.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Мазкур ҳафта сиз учун тасодифларга бой бўлади. Ушбу тасодифлардан унумли фойдалана олсангиз, бахтли келажагингиз учун тамал тошини қўйган бўласиз.

СИГИР(22.04-20.05)

Сизнинг узоқ йиллик орзуларингиз шу ҳафтада рўёбга чиқиши мумкин. Муҳим қарорларни қабул қилишда яқинларингиз билан кенгашишни унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳамкасбларингиз ўртасида йўқолиб бораётгандек туюлган мавқеингизни тиклаб олиш учун имконият бор. Бунинг учун ишингизга ижодий ёндашсангиз бас.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Мазкур бурж вакилларининг кайфияти келгуси ҳафтада худди баҳор об-ҳавосидек ўзгарувчан бўлади. Арзимаган дилхираликларни деб, асабингизни бузмасликка ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда ишларингиз юришиб, омадли инсон эканингизга ишонч ҳосил қиласиз. Бундай бахтли дамларни ота-онангиз ва яқинларингиз билан баҳам кўринг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафта бошидаги тушкун кайфият узоқ чўзилмайди. Ҳафта ўртасидагиги хушхабар бир умр ёдингизда қолиши ва ҳаётингизни янги ўзанга солиб юбориши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Атрофингиздаги инсонлар билан муносабатда самимий бўлишга интилинг. Зеро, келгусидаги муваффақиятларингиз кўп жиҳатдан шу кунларда ўзингизни қандай тутишингизга боғлиқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Анчадан буён самара бермай келаётган ҳаракатларингиз тез кунларда раҳбарингиз томонидан эътироф этилади. Касбий маҳоратингизни ошириш учун изланишдан чарчаманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Келгуси ҳафтада тани соғлик ҳар нарсадан аъло эканига амин бўласиз. Шу боис, ҳозирданоқ соғлиғингиз ҳақида қайғуриб, жисмоний ва ақлий фаолиятни бир маромда тутишга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Хизмат поғоналаридан юқорига кўтарилиш ёхуд катта иш бошлаш учун салоҳиятингиз етарли. Бунинг учун имкониятларингиздан унумли фойдаланинг, ташаббускорлигингизни намоён этишдан чўчиманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Сиз учун ҳафта ҳар соҳада омадли бўлади. Бахтли дақиқаларда ҳам хушёр бўлиш лозимлигини ёдда тутинг. Яхшиси, дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Эсингизда бўлсин, майда муаммолар йиғилиб, катта кўнгилсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун уларни ўз вақтида бартараф этиб боринг. Жумада ажойиб янгиликдан бохабар бўласиз.

Тошкент вилояти

ТЎЙ БОШИДА ҲОМИЙЛАР

Баҳорнинг илиқ ва роҳатбахш ҳавоси юртдошларимиз қалбида эзгулик, меҳр-оқибат туйғуларини янада жўш урдиргани рост. Яқинда янгийўлликлар хайрли тадбирнинг иштирокчиси бўлишди.

Муқимий номидаги маҳаллада тумандаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига суннат тўйи ўтказилди. Эътиборли томони шундаки, тўй бошида фермер Ўткир Маҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи тадбиркор Гулчеҳра Маҳмудова сингари саховатпеша ҳомийлар туришди. Шу куни туманнинг 8 минг нафар аҳолиси карнай-сурнай садолари остида сайилга чиқишди. Янгийўл шаҳридаги 6, 12, 15-сонли мактабларнинг ўқувчиларига ҳомийлар ҳисобидан кийим-бош тарқатилди.

СУРАТЛАРДА:
тантанали тадбирдан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Мўъжизакор дунё

Оламшумул ойнаи жаҳон

Японияниинг «Matsushita electric» компанияси томонидан дунёдаги энг катта телевизор плазма панели ишлаб чиқарилди. Эндиликда 150 дюйм диаганалли мазкур панел орқали телевизорнинг яхлит экрани инсон бўйининг табиий кўринишини қамраб олиши мумкин.



Эни 2 метр, буйи 3,5 метр ҳажмда бўлган мазкур телевизор бугунгача айнан «Matsushita electric» томонидан 103 дюйм диагоналли қилиб ишлаб чиқарилган эди. Айни пайтда 150 дюйм диагоналли янги панеллардан «Panasonic» компанияси маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш кўзда тутилган.

Баҳайбат тошбақа

Гиннеснинг "Рекордлар" китобидан денгиз тошбақаси "дунёдаги энг баҳайбат зирхли ҳайвон" сифатида ўрин олган.

Унинг оғирлиги 544 килограмни ташкил қилади. Жонзотнинг тош зирхи узунлиги эса 183 сантиметрга тенг.

Бу ўртача вазндаги 5 нафар киши учун турар-жой вазифасини ўташи мумкин. Тошбақа қадам ташлаганида орқа ва олд оёқлари орасидаги масофа 274 сантиметрни ташкил этади. Бу эса унинг изидан юк машинаси бемалол юришини таъминлайди. Ҳозирги кунда денгиз тошбақаси денгизбўйи давлатлари худудида учрайди.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Йигитликда йиғ илмнинг мағзини,
Қарилик чоғи ҳарж қилгил ани.

Алишер НАВОИЙ

* * *

Ўғилнинг улфати бўлса қаландар,
Қўлни ювиб қўлтиққа урсин у падар.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

* * *

Болалар гўзаллик, ўйин, эртак, мусиқа, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоқлари керак.

В.СУХОМЛИНСКИЙ

* * *

Агар сиз болаларнинг шўхликларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандликни дунёга келтира олмайсиз.

Ж.РУССО

* * *

Ўғил-қизга санъат — ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу фазилатлар туфайли уларнинг феъл-атворлари ва йироқлари матлуб бўлсин.

Юсуф ХОС ХОЖИБ

* * *

Бажармайди фарзанд отаси сўзин,
«Ҳолва ема!» деса еб туриб ўзи.

Абдураҳмон ЖОМИЙ

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«...Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасидан.

Тошкент ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2007 йилда Расулова Раъно Абдугаппаровна номига берилган N 850354 (рег. TR-579) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом № 065967 об окончании Ташкентского экономического Университета выданный в 1995 г. на имя Тургунбаева Шарофиддина Очиловича считать недействительным.

Якка тартибдаги тадбиркор Исмоилов Алишер Халилович номига 2007 йил 20 декабрда Тургун савдо шахобчасида чакана савдо учун берилган (реестр 0104971 рақамли) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧФ «HASAN-HUSANXO'JA» первоначально зарегистрированно решением хокима Юнусабадского р-на г.Ташкента (ул.А.Темур 72) за № 1360 от 16.08.2002г, расположенного по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н, Алайский рынок магазин № 20, (ИНН 201675634) ликвидируется (на основании решение учредителя № 1 от 24.03.2008г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации. Тел: 158-67-77.

Якка тартибдаги тадбиркор Турғунов Зокиржон Насирджонович номига 2006 йил 27 сентябрда тикув маҳсулотларини тикиб сотиш учун берилган № 0103401 рақамли қайд гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркор Чертков Андрей Юрьевич номига 2007 йил 11 майда металлдан пластмасса ва турли маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш учун берилган (реестр — 0104205 рақамли) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент.ш. Учтепа туманида жойлашган «GRAND-TECHNO-TEKS» ХК (ОКПО коди 20390428) ўз устав фондини 349 838 951 сўмдан 163 089 000 сўмгача камайтиради. Тел: 167-58-46.

Утерянный кадастровый документ № 8110675052 от 21.06.2000 г. на земельный участок площадью 0,65 га оформленный на ЦЛК «Qurilish Mollari» считать недействительным.

ЧП «AZIYA AZT» (код ОКПО 21347326) сообщает о преобразовании, а также фирменного наименования в ООО «VISTA TRADE INVEST». Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по адресу: г.Ташкент, ул.Ф.-Ходжаева, дом 25.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, **Акмал САИДОВ,** **Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,** **Бобур АЛИМОВ,** **Рустам ҚОСИМОВ,** **Шуҳрат РИЗАЕВ,** **Раҳмон ҚЎЧҚОР,** **Чори ЛАТИПОВ,** **Фаррух БЎТАЕВ,** (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ,** **Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 26 март
13 (615)

20250 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 Топширилди — 23.00
1 2 3 4 6